

УДК. 1.17.4/7

**ИНСОН АХЛОҚИЙ-ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ
ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ.**

Расулова.Ш.А

Фаргона политехника институти

**ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ ПРАВСТВЕННО-ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ
КУЛЬТУРЫ ЧЕЛОВЕКА.**

Расулова.Ш.А

Ферганский политехнический институт

**PHILOSOPHICAL ASPECTS OF HUMAN MORAL AND
ECOLOGICAL CULTURE.**

Fergana Polytechnic Institute

Аннотация: *Ушбу мақолада экологик муносабатлар
глобаллашувининг маънавий –ахлоқий жиҳатлари илмий асосда
таҳлил қилинган.*

Аннотация: *В данной статье научно анализированы нравственно-
этические аспекты глобализации экологических отношений.*

Annotation: *In this article contains a scientific analysis of the moral and
ethical aspects of the globalization of environmental relations.*

Таянч сўзлар: Ахлоқий нормалар, глобал экологик барқарорлик,
миллий ва умуминсоний ахлоқий нормалар, қадрият, экологик
маданият, экологик таълим–тарбия.

Ключевые слова: Этические нормы, глобальная экологическая
стабильность, национальные и универсальные нормы этики, ценность,
экологическая культура, экологическое образование.

Key words: Ethical norm /global environmental stability/ national and
universal norm of ethics; value; ecological culture; ecological education.

Инсониятнинг тарихий ривожланиш тажрибалари бир ижтимоий-
сиёсий тузумдан бошқасига ўтиш даврида “табиат-жамият-инсон”
муносабатларида ҳам анъанавийлик ва ворисийлик ўртасида узилишлари

рўй беришини кўрсатиб берган. Хусусан, иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг беқарорлашуви бевосита экологик муносабатларда ҳам кузатилади. Лекин, экологик муносабатлар глобаллашуви бу жараённи бошқаришни маънавий-ахлоқий жиҳатдан такомиллаштиришни талаб қилади.

Экологик ахлоқ нормаларининг “табиат-жамият-инсон” муносабатларини оқилона бошқаришдаги ролини тушуниб олиш учун муҳим фалсафий ахлоқий тушунча бўлган қадриятлар билан муносабатини қисман кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ. Қадриятлар — жамият ва шахс маданий ривожланишини тартибга солувчи муҳим омиллардир. Шунинг учун ҳам бу масала файласуфлар, социологлар, антропологлар ва психологлар томонидан диққат билан ўрганиб келинади.

Яқин кишиларига муҳаббат ҳисси ҳар кимга ҳам ато этмаган, бундай туйғуни тарбиялаш жуда мураккаб ва сердиққат вазифа, шунингдек табиатга муҳаббатни тарбиялаш ўз-ўзига нисбатан муносабатни билдиради, инсон экологик ахлоқи ва маданиятининг моҳияти ҳам ана шунда.

Инсоннинг экологик маънавий-ахлоқий масъулияти унинг атрофдаги табиий муҳитда қанчалик ахлоқий фаолият кўрсатяпти-ю қандай феъл — атворга асосланаяпти, у табиат умуммиллий ижтимоий бойлик эканлигини англайдими, ўзини табиатга бўлган муносабатини инсонийлик тамойиллари асосида бошқара оладими, деган масалаларга келиб тақаламиз.

Юқоридаги муаммоларнинг ечими инсонда экологик ахлоқий маданиятни шакллантириш мезони ҳисобланади. Инсоннинг табиатга ахлоқий муносабати унинг кундалик фаолиятида аниқланади. Айни пайтда ҳар бир шахснинг ахлоқий-экологик фаолияти жамиятнинг мақсад ва вазифалари воситасида белгиланади. Шу ерда экологик ахлоқ нормаларининг илмий-методологик конценциясини ишлаб чиқиш ва ундан амалиётда фойдаланиш зарурияти келиб чиқади. Демак, экологик ахлоқ нормалари муайян илмий-методологик тизимга асосланиши керак, бу ҳол

табиатга нисбатан қадриятли муносабатни шаклланишига ва ижтимоий-ахлоқий нормаларнинг қарор топишига хизмат қилади. Этика фанига доир классик адабиётларда одамларнинг ўзаро муносабатларида юз бераётган хатти-харакатлар назарда тутилади. Қисқартириб айтилган бу тушунчани, кенгайтирилган ҳолда қаралса одамни табиатга бўлган муносабати, хатти-харакати ҳам ахлоқийлик, ахлоқий экологик маданият билан бевосита боғлиқлигини кўрамыз. Ахлоқий экологик маданиятни амалга оширишда инсоний сифатларни шаклланишини доимо ҳисобга олмоқ керак. Шахс ўзидаги инсоний сифатларни ўз қобиғига беркитиб олмаслиги, жамиятдан ажралиб қолмаслиги аксинча ижтимоий-яратувчилик, ахлоқий-экологик фаолиятига сафарбар этиши, яъни ижтимоий шахс сифатида гавдаланиши шарт. Юқорида айтиб ўтилганидек, инсон ўз моҳиятига кўра, ижтимоий. Шунинг учун шахс тушунчаси ижтимоий шарт-шароитлар, ижтимоий мазмун, ижтимоий фаолият билан характерланади, уни ижтимоий позицияси ва кўзлаган мақсади баҳоланади. Шахсни ҳамма вақт юқори даражадаги фаоллик ва ижодийлик ажратиб туради. Шунгакўра, униинсонийликмоҳиятиномоёнбўлади, қобилиятиваталантиюзачиқади.

Шахс экологик ахлоқий маданияти, унинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти давомида шаклланади, бу хусусият жамоада, ижтимоий гуруҳда, оилада, ўртоқлар даврасида вужудга келиб, ўзига хос микромуҳитни ташкил этади, унда объективлик ва субъективлик, моҳият ва моҳиятли бўлмаган, зарурий ва тасодифий омиллар бирлиги намоён бўлади. Ахлоқий маданият экологик маданиятни тобора мукаммаллашиб боришини таъминлайди. Шу маънода айтиш мумкинки, инсон олами уни ўраб турган атроф-муҳит оламидир, шундай экан шахсни табиатга бўлган муносабати ахлоқий тус олмоғи зарур, демак экологик ахлоқ ва маданият инсоннинг маънавий камолоти билан узвий боғланиб кетади.

Чунончи, Ўзбекистонда фуқаролар ҳамда жамоатчилик ижтимоий фикрининг аҳволи ва уни ўрганиш экологик ахлоқ даражасини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Биз кўриб чиқаётган маънода у, экологик

ахлоқ ва маданиятга катта эътибор берилаётгани, табиий муҳитга етказилаётган зиён оммавий ахборот воситалари томонидан фош қилинаётгани билан характерланади. Бу ўринда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва инобатга олишга алоҳида эътибор бермоқ зарур. Чунки биринчидан, жамоатчилик фикри алоҳида шахс, гуруҳ ёки муайян ижтимоий қатламлар нуктаи назаринигина эмас, балки бутун жамият хоши - иродаси, кайфияти, мақсад ва интилишларини ўзида ифода этувчи ижтимоий ходисадир.

Жамоатчилик фикри ўзбекларда аввало маҳалладан бошлаб шакллана боради. Маҳалла, асосан ўзбек халқига, миллатига хос ноёб ва бетакрор ижтимоий ходисадир. Маҳалла ҳаёти борлиқдир. Унинг муҳим роли шундаки, маҳалла инсонда табиий муҳитга асраб-авайлаб муносабатда бўлиш туйғусини болалиқдан сингдиради. Бу жиҳатдан қараганда, “Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритгач, ўзбек халқининг тарихий анъаналари тикланмоқда ва жумладан, ўзини-ўзи бошқаришнинг ҳозир янги мазмун касб этган маҳалла сингари демократик органини тиклаш учун барча даражада чоралар кўрилмоқда”.

Шундай қилиб, ахлоқий-экологик маданиятни методологик асосини бир бутун фалсафий таълимот ташкил қилади. Умумлаштириб айтганда бу фалсафий таълимотнинг асоси табиатга нисбатан инсоний муносабат, атроф-муҳитга нисбатан юксак даражадаги, меҳр-муҳаббатга асосланган фаолиятдан иборат. Бу ўз моҳияти билан табиат ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни монандлиги, ўзаро уйғунлигини билдиради. Бу ҳақда этика назариясига асос солган антик дунё файласуфлари (Эпикур ва б.) ёзиб қолдирганлар. Табиат билан монанд ҳолда шахсни ўзи жисмоний, ижтимоий ва маънавий жиҳатлардан такомиллашиб боради. Демак, экологик ахлоқий онг ва маданиятни ижтимоий онг шакллари билан боғлиқ равишда ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу кишиларнинг ижтимоий-экологик ҳатти-ҳаракатлари ҳамда кадриятларга нисбатан муносабат принципларининг

ифодаси сифатида намоён бўлади, “инсон-табиат-жамият” ўртасидаги уйғунликни ифодалайди.

Адабиётлар

1. Расулева Г. С позиций социобиологии. //Экологический вестник. — 1999. - № 5-б. — С. 31-33.
2. Чориев С. Экологиксиёсатвашахсбаркамоллиги. //Экологический вестник. — 1999. — № 1-2. - С. 9.
3. Абдуллаев З. Экологические отношения и экологическое сознание. — С. 17-41.
4. Мадаминов А. THE ROLE OF POLITICAL AND TECHNOLOGICAL MEANS IN THE PROCESS OF POLITICAL COMMUNICATION. ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Reviewed International Journal). Vol. 10, Issue 4, April 2020.